



## ТАРИХИЙ ДАВРЛАРАРО ЎЗИГА ХОСЛИК ВА МУШТАРАКЛИК

Шодиев Шахобиддин Шарофиддинович

ф.ф.ф.д.

Бухоро инновацион таълим ва тиббиёт университети

“Умумтаълим фанлар кафедраси”

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14513831>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10- Dekabr 2024 yil

Ma'qullandi: 15- Dekabr 2024 yil

Nashr qilindi: 18- Dekabr 2024 yil

### KEYWORDS

уйғониш даври, ижод,  
трагедия, драматург,  
тафаккур, жамият ва инсон,  
театр, комедия,

### ABSTRACT

*Ушбу мақола Инглиз Уйғониш даврининг буюк мутафаккири, драматург Уильям Шекспир ижодини талкин ва тахлил қилишдан иборат булган хронологик даврларни ўз ичига олади.*

Ажойиб ақл эгаси бўлган Шекспир ижтимоий ҳаётни ўз замондошлари, ҳатто давр донолари пайқаб етмаган томонларини шунчалик тўғри тасвирлаганки, ҳозиргача мутахассисларни ҳайратда қолдириб келмоқда: файласуфлар унинг борлиқ, ҳаёт зиддиятлари диалектикасини нақадар тўғри тушунганига, тарихчилар — давлатлар, халқларни идора этиш қонунларини билишига, табиатшунослар — табиат қонунларини фаҳмлашига, психологлар эса инсон қалбининг энг нозик томонларини билиб, очиб беришига қойил қоладилар.

Шекспир ижоди озикланган манба Европа халқлари тарихи, адабиёти ва театрини ўрганиш ва ўша даврнинг илғор тафаккур жавҳарларидан ҳам баҳраманд бўлишдир. У ана шу икки асосни ўз асарларида бирлаштира олганлиги сабабли ўз даври ижодкорларидан ўзиб кета олди. Барча тарихий даврда кузатилганидек, Шекспир яшаган давр ҳам турли зиддият ва қарама-қаршиликларга тўла бўлган. Шекспир ўз давридаги зиддиятлар, ижтимоий ҳаётдаги номуносибликлар, инсонлар тақдиридаги мураккабликларни теран ҳис этган, шунинг баробарида, жамият ва инсон ҳаётининг қалтис нуқтасида юзага келган драматизмни тасвирлашга алоҳида диққат қилган. У ҳақиқий драматург сифатида персонажларнинг у ёки бу хатти-ҳаракатларини келтириб чиқарган ижтимоий, маиший, маънавий ва руҳий сабабларни очиб ташлаб, уларнинг ҳар бирига ўз хулқ-атворидаги кескин ўзгаришларни тўла асослаш ёки изохлаш имконини яратган.

Шекспир Уйғониш даврига хос гуманизм ва инсонпарварлик ғоялари билан воқелиқда тобора ривожланиб бораётган худбинлик, мунофиқлик, ёвузлик ўртасидаги зиддиятни кўриб, шу зиддиятларни ўз асарларига конфликт сифатида жалб этади. У ўз трагедияларида бадий маҳорат чўққисига эришган. Шекспир ижодининг сўнгги даврига оид романтик драма ва трагик комедиялар унинг дунёқарашида ҳаётий зиддиятларни ижобий ҳал қилиш мумкин, деган умид пайдо бўлганидан гувоҳлик беради.

Шекспирнинг бутун ижодини нурлантириб турувчи фазилат юксак ахлоқий-маънавий муаммоларнинг тасвиридир. «Ромео ва Жульетта» лирик, «Юлий Цезарь» сиёсий, «Ҳамлет» интеллектуал трагедия, «Отелло» эса эҳтирослар трагедияси ҳисобланса-да, улар замирида ўрта асарлар учун ҳам, ҳозирги замон учун ҳам катта аҳамиятга молик бўлган ахлоқий масалалар ётади. Агар «Юлий Цезарь», «Ҳамлет», «Макбет», «Ромео ва Жульетта» сингари асарларда тасвирланган драматик конфликт қаҳрамонларга ўзини билиш, ўзининг руҳий кучини рўёбга чиқариш имконини берган бўлса, Отелло, Лир сингари адашган қаҳрамонлар онги фақат фожеа рўй бериб, муқаррар ҳалокат яқинлашганидан кейингина нурланиб кетади. Шунга қарамай, уларнинг ҳар бири ва умуман Шекспир асарларининг қаҳрамонлари асосан қатъий характерга эга бўлган, онги ва ахлоқий қарашлари шаклланган, воқеликка хушёр кўз билан қаровчи, кучли ва мард инсонлардир.

Ўзбек томошабинларининг Шекспир билан танишуви 1935 йилда «Ҳамлет» трагедиясининг Ҳамза номидаги драма театри (ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театри)да саҳналаштирилиши бўлди. Шундан сўнг бирин-кетин юртимиздаги ўзбек ва рус театрларида унинг «Отелло», «Ромео ва Жульетта», «Юлий Цезарь», «Қирол Лир», «Кориолан», «Вероналик икки йигит», «Қийиқ қизнинг қуйилиши», «Ёз тундаги ғаройиб отлар» сингари асарлари саҳналаштирилди. Ғафур Ғулом, Яшин, Уйғун, Шайхзода, Туроб Тўла, Қ. Мирмуҳамедов каби ёзувчи ва таржимонларнинг саъй-ҳаракатлари билан Шекспирнинг асарлари ўзбек тилига ўгирилди. Жамол Камол эса буюк драматург асарларини бевосита инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Адабиётни «ҳисли кўнгул тарихи» деб билган Чўлпон томонидан амалга оширилган «Ҳамлет»нинг таржимаси эса ҳозирга қадар ўзбек таржима санъатининг шоҳ намуналаридан бири бўлиб қолмоқда.

Буюк драматург ижодий эволюциясининг икки этапини кўрамиз: бири илк замондошлари Лили, Грин, Кид ва Марлога тақлидий драматик хроникалар («Генрих VI нинг уч қисми», «Ричард III»), комедиялар («Адашишлар комедияси» «Қийиқ қизнинг қуйилиши»), биринчи трагедия («Тпт Андроник») ва Овидийга тақлидий икки поэма («Венера ва Адонис», «Лукреция») яратилиши, Шекспирнинг драматург ва шоир сифатида шаклланиш даври; иккинчиси — мустақил етук асарлар («Ричард II», «Қирол Жон», «Генрих IV»нинг икки қисми, «Генрих V» хроникалари, «Ромео ва Жульетта» трагедияси, «Вероналик икки йигит», «Муҳаббатнинг маҳсулсиз уринишлари», «Ёз кечасининг туши», «Венециялик савдогар», «Бекордан бекорга тўполон», «Виндзориялик ҳазилкашлар», «Бу сизга ёқадими», «Ўн иккинчи кеча» комедиялари ва сонетлар тўплами яратилган, драматург энг кўп маҳсул берган давр. Иккинчи давр – буюк трагедиялари «Юлий Цезарь», «Ҳамлет», «Отелло», «Қирол Лир», «Макбет», «Антоний ва Клеопатра», «Кориолан», «Афиналик Тимон» ва кулгидан кўра фожа элементлари кўпроқ бўлган комедиялар: «Троил ва Крессида», «Яхшилик билан тугаган иш яхши», «Ўчга ўч»ларнинг яратилиши давридир. Учунчи давр — драматург ижодининг сўнгги йиллари, 1608 йилдан унинг театрдан узоқлашгани, 1613 йилгача бўлган давр бўлиб, романтик драмалар ёки трагикомедиялар («Перикл», «Цимбелий», «Қишки эртак», «Бўрон») ва охириги хроника («Генрих VIII») яратилган давр. Шекспир ижодидаги бу эволюция фақат драматург дунёқараши, ижодий улғайишининг

натижасигнна бўлмай, мамлакатнинг социал-сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 360 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустақкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.
3. Shodiev Shahobiddin Sharofiddinovich. (2022). PHILOSOPHICAL WORDS AND THE CONCEPT OF NATURE AND SOCIETY IN THE TRAGEDIES "MACBETH" AND "ABULFAYZ KHAN". EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH, 2(13), 925–931. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7472725>
4. Shodiev Shahobiddin Sharofiddinovich. (2022). MEANS OF LEXICAL-SEMANTIC EXPRESSION OF THE PHILOSOPHY OF HUMANISM AND SPIRITUAL-MORAL CONCEPTS IN THE DRAMAS OF U. SHAKESPEARE AND A. FITRAT. EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH, 2(13), 966–970. <https://doi.org/10.5281/zenodo.747273>
5. Шодиев Шаҳобиддин Шарофиддинович. (2022). У.ШЕКСПИР ВА А.ФИТРАТ ДРАМАЛАРИДА ГУМАНИЗМ ФАЛАСАФАСИ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТУШУНЧАЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ИФОДА ЭТИШ ВОСИТАЛАРИ. EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH, 2(13), 971–977. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7472745>
6. Шодиев , Ш. (2023). УИЛЬЯМ ШЕКСПИР ДАВРИ ВА ИЖОДИДАГИ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ, ФАЛСАФИЙ ТУШУНЧАЛАР. Евразийский журнал академических исследований, 3(5 Part 4), 101–106. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/15726>
7. DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.7981926>
8. Шодиев , Ш. (2023). ИНГЛИЗ УЙҒОНИШ ДАВРИ ВА ЖАДИДЛАР ТРАГИК АСАРЛАРИДАГИ СЕМАНТИК ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЛИНГВОФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ. Евразийский журнал академических исследований, 3(5 Part 4), 117–121. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/15729>
9. DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.79819>